

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ФАЛСАФАНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ”

мавзусидаги Республика миқёсидаги
илмий-назарий конференция

Т Ў П Л А М И

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ, ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ,
ПРОФЕССОР МУҲАММАД НАЗАРОВИЧ БОЛТАЕВ ТАВАЛЛУДИНИНГ
85 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

БУХОРО – 2014

Шундай қилиб Форобий мавжудотнинг келиб чиқиши, унинг бошланғич асослари ҳақидаги мулоҳазасида ақлни 6 асоснинг бири ёки аниқ қилиб айтганда, учинчиси сифатида тушунтиради ва уни фаол ақл деб таърифлайди.

Дунёвий ақл олам яралишининг босқичларидан бири сифатида инсон билан бошланғич сабабни боғлайди. Инсоннинг моҳияти, билими унинг ақли мангулик ҳислатига эга бўлади.

Олимнинг таъкидлашича, ақлнинг мангулиги – инсониятнинг мангулигидир. Инсоният эса, узлуксиз барҳаётдир. У ҳам яратувчиси сингари ва у билан бирга абадий ва мангу, Аллоҳ, материя абадий мангу бўлганидек, инсон ақлининг натижалари, мевалари, ютуқлари ҳам абадийликка мансубдир.

Инсоннинг фаол ақл билан бирлашуви ва унинг даражасига кўтарилиши – энг олий бахт-саодатга эришуви демакдир.

Форобий инсоннинг руҳий қувватлари ичида сезгиларни алоҳида таҳлил қилади. Сезгилар ҳаёл қувватига ҳам, ақл қувватига ҳам маълумот етказиб берадилар. Масалан, туш кўрганда дейди аллома - хотирадаги образлар тикланади, кўзгалади, шунда инсон тушида келажақда бўлиши мумкин бўлган нарсани кўргандек бўлади, айрим пайт ҳаёл қуввати шу қадар ўткир бўладики ҳаёлдаги образлар, ақл ёрдамида билинадиган нарсалар моҳиятига мос келади, ёки мос келгандек бўлади, шунда инсон уйғоқ вақтида ҳам туш кўргандек бўлади.

Мутафаккирнинг фикрича, ақл ёрдамида билинадиган нарсаларнинг моҳияти, бевосита ҳаёлда ифодаланса, яъни акс эттирилса, бундай ҳолларда "авлиёлик" вужудга келади, яъни руҳонийлар "авлиёлик" деб талқин этувчи жараён вужудга келади.

Бу билан Форобий авлиёлик қандайдир сеҳр - жоду эмас ҳамма учун табиий жараёндир, яъни ақлий мукаммалиқдир демоқчи, чунки ҳар қандай инсон ҳам илмий ва ақлий мукаммалликка эришса, "авлиё" даражасига кўтарилиши мумкин.

"Форобийнинг фикрича, - дейди Муҳаммаджон Қодиров, - инсон тасаввурий қувват орқали эришиши мумкин бўлган энг мукаммал босқич пайғамбарлик бўлиб, пайғамбарликнинг энг мукаммал босқичи тасаввурий қувват воситасида ҳосил қилинадиган ваҳийдир. Унинг бу ташаббуси, айни замонда, фалсафий қарашларининг энг мураккаб ва баҳсли қирраларини ташкил этади"¹.

Ўрта аср шароитида маданият тараққиёти, табиий-илмий билимлар ривожини ақл тўғрисидаги таълимот билан боғлиқ эди, чунки ақл мавзуни фандаги энг мураккаб мавзу бўлиб барча илмларнинг ривожини шу мавзуни ҳал этиш билан боғлиқ эди. Шу сабабли барча Шарқ мутафаккирлари сингари Форобий ҳам бу масалани чуқур илмий таҳлил қилди ва М. Хайруллаев ибораси билан айтганда, - "унинг ўрта аср Шарқи ва Европасида прогрессив роль ўйнаганлиги, ҳур фикрликнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатқанлиги ва илғор мутафаккирлар асарларида кенг фойдаланилганлигининг сирларини очиб беради"².

Хуллас, буюк жамиятшунос, инсоншунос, ахлоқшунос олим Абу Наср Форобий таълимоти ўзининг ғоявий мазмунига кўра жуда серқирра бўлиб, унинг инсон ақл заковатига берган юксак баҳоси, инсоннинг маънавий кучи, қобилиятларини ва истедодини намоиш қила билиши, умуман инсон зотини кўкларга кўтариши унинг адолат, яхшилиқ, инсонийлик, дўстлик, келажакка ишонч, адолатли давлат, инсонпарвар жамият, одил ҳукмдор, баркамол шахс ҳақидаги ўй-фикрлари мустақиллик шароитида алоҳида аҳамиятга эга.

Чунки Президентимиз И.А.Каримов такидлаганидек, - "ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина олдимизга қўйган мақсадларимизга эриша оламиз. Юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади"³.

АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙНИНГ АҚЛИЙ ТАФАККУР ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Ф. Д. Музаффаров – Бух.ДУ. мустақил тадқиқотчиси

Ислоннинг йирик назариётчиси Абу Ҳомид Ғаззолий (1058-1111) Шарқ фалсафасида семаҳсул ижод қилган алломалардан биридир. Унинг асарлари-да илоҳиётдан ташқари инсон ва унинг моҳияти, борлиқ, билиш муаммола-рига оид концепциялар ҳам ишлаб чиқилган. Алломанинг улкан илмий-фал-сафий мероси ғарблик олимлар томонидан бир томонлама талқин этилиб, ҳар доим камситиб келинган. Уларнинг фикрига кўра, Ғаззолийнинг қарашлари фақат илоҳий мистик характерда бўлиб, ҳар қандай рационаллик – ақл ва тафаккурни рад этадиган иррационал таълимотдир.

Истиқлол туфайли Ғаззолийнинг таълимотини объектив, илмий асосда ўрганиш имконияти вужудга келди. Ғаззолий инсон фаолиятида ақлнинг ўрни ва муносабатини таҳлил

¹ Қодиров М. Форобий ва тасаввурий маърифат. Сирли олам. 2001-йил. Январь-февраль. 25-бет.

² Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т., 1971. 238-239бетлар.

³ Баркамол авлод орзуси. Т., 1988. 138-бет.

этар экан, инсон танасини шаҳарга қиёслаб шундай дейди: "Дил – бу шаҳарнинг подшоҳи ва ақл бу шаҳар подшоҳининг вазиридур"¹. Ақлни инсон фаолияти учун энг керакли восита эканлигини Ғаз-золий подшо ва вазирнинг муносабати билан қиёслайди. Мамлакат ижтимоий ҳаётининг ҳар бир жабҳаси хусусида подшони хабардор қиладиган, унга йўл-йўриқ кўрсатадиган ҳамда унинг кўрсатмалари бажарилишини бошқариб турадиган вазирни – инсон ҳаётини тўғри йўлга ва бир маромга соладиган ақлга ўхшатади. Ўз фикрини давом эттириб, шундай дейди: "...вақтики, подшо – Дил, вазир – Ақлнинг машварати бирла иш қилса, шаҳват ва ғазабни вазир – Ақлнинг зердасти ва фармонида қилса, бадан мамлақати анинг низо-мида бўлғусидир. Ва саодат йўлини топиб, ҳақ-таолонинг маърифатини ҳо-сил қиғусидир"².

Подшонинг мамлакатни тўла назоратига олиши, тадбиркор вазир мас-лаҳатига риоя этишига боғлиқлиги каби инсон ҳам ўз танасини фақат ақл орқали назорат қила олади. Инсонни саодат йўлига етаклайдиган ҳам унинг-ча фақат ақл экан.

Ғаззолий Аллоҳнинг жамолини эътиқод орқали эмас, балки ақл орқали мушоҳада қилишни қуйидагича тушунтиради: "Ва ақлни дил учун халқ қи-либдурким, ақл дилнинг шамчироғидур. Токи дил ул шам нури бирла Ҳазрат Парвардигори олам жамолини қилгайким..."³. Мутафаккирнинг айтишича, Ал-лоҳ танага шамчироқ, яъни уни зулматдан рўшноликка олиб чиқадиган воси-та сифатида ақлни ато этган. Инсон ўз ақл заковати билан Парвардигорни таниши мумкинлиги хусусида Ғаззолий ўзининг "Минҳож ул-обидийн" асарига шундай дейди: "Илм қуйидаги мулоҳазаларга кўра ибодатдан устун туриши мумкин: дин буюрган ибодатларни саҳиҳ бажариш учун мазкур арконларни чуқур билиш, уларни қандай бажариш ва кимга бағишлашни яхши билиш керак бўлади". Тасаввуф тариқатининг босқичларидан бири ҳам маърифат, яъни тариқатга йўл тутмоқ учун аввало шариатни – исломда фарз, вожиб, суннат, мубоҳ, макруҳ ва ҳаром каби амалларни ақлий ўзлаштириб олиш шартдир. Ғаззолий шунга ишора қилар экан, яна ўша рисолада "Обид фақат билиши туфайлигина ҳақиқий обид бўла олади" дейди.

Маърифат мақомига эришиш учун шариат рукнларини тўла-тўқис ба-жаришда ақлнинг вазифаси хусусида ҳам тўхталиб ўтади. "Ақл заковат ор-қали Аллоҳни таниши учун ақлнинг иши илм вау ламоларни дўст тутмоқ ва ёмон ишларни қилмаслик ва халқ орасида салоҳ ва муваффақият изламоқ, хасис ва забун ишлардин ўзини тўхтатмоқ ва яхши ишларни билганидин шодланмоқ. Жоҳил ва нодонликдан ор-номус қилмоғдур" деб ёзади. Мутафаккир илм олиш ва шу орқали олимлар билан мулоқот қилиш даражасига кўтарилиш фақат ақл орқали эканлигини уқтиради. Халқ орасида муносиб мавқега эришиш, бойлик, куч-қудрат ёки насл-насабда ҳам эмас, балки Ғаззолийнинг фикрига кўра, ақл орқали содир бўлади. У инсонга ато этилган энг улуг неъмат ақл эканлигини алоҳида таъкидлайди. Инсон учун хос бўлган биологик хусусият "емак ва жимо қилмак", барча "дарранда ва тўрт оёқли ҳайвонларга" ҳам берилганлигини ҳамда бундан ҳам зиёда неъмат тафаккур-лаш фақат инсонга хос эканлигига диққатни қаратади. Шу боис ақлнинг мо-ҳиятини баён этар экан, биринчи хусусият бу инсонни ҳайвонлардан ажратиб турадиган жиҳатдир. У билан инсон назарий илмларни қабул қилишга, яширин, фикрий синоатларни тадбиқ этишга тайёр бўлади. Бу ўринда Ғаззолий инсонларни ташқи жонзотлардан ажратиб турадиган асосий фарқ бу мавҳум тафаккур эканлигини қайд этмоқда. Дарҳақиқат, ҳиссиёт ва ташқи таъсирлар-га нисбатан реакциялар ҳайвонларда турли хил даражада мавжуд, аммо мав-ҳум тафаккур, жонли мушоҳада бу фақат инсонга хосдир.

Ақлнинг иккинчи хусусияти нарсаларни бир-биридан фарқини ажрата олиш хусусияти бўлиб, "бунга мисол икки бирдан кўп эканлиги, киши бир вақтнинг ўзида иккита ерда бўлолмаслигини билишдир"⁴. Тушунчаларни му-ҳокама қилиш қобилияти бу ақлнинг асосий хусусияти эканлигига Ғаззолий эътиборни қаратмоқда. Ақлнинг учинчи хусусияти бу ҳолатлар жараёнига қараб ҳосил бўлган тажрибалардан истифода этилган илмдир. Кимки тажри-балар билан тобланса, фикр-қарашлар билан тарбияланса, у одатда оқил де-йилади. Назария билан амалиётнинг бирлиги ва инсон билиш жараёнида таж-рибанинг ўрнини таъкидлаши Ғаззолий фалсафий қарашларининг ютуғидир. Тўртинчи хусусият – ақл – "ишларнинг оқибатини билишга етаклайди. Киши бир ишга кириши ёки тийилиши, унинг оқибатини ўйлаб, фикр қилиш ила бўлади"⁵. Ғаззолий ўз фаолиятини олдиндан кўра билиш ақл орқали содир бўлишини таъкидламоқда. Дарҳақиқат илмий башорат назарий тафаккурнинг хосиласидир. Кўриниб турибдики, Ғаззолий инсон фаолиятида, хусусан билиш жараёнида ақл моҳиятини баён этишда рационалистик позицияда ён-дашган. У ақлнинг инсон фаолиятидаги ўрнини таъкидлаш билан

¹ Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимйён Саодат (Рух ҳақиқати). Тошкент. "Адолат", 2005. 36-бет.

² Ўша асар. 37-бет.

³ Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимйён Саодат (Рух ҳақиқати). Тошкент. "Адолат", 2005. 37-бет.

⁴ Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихфў улумид-дин (Дин илмларини жонлантириш). Илм китоби. Тошкент. "Моваруннаҳр", 2003. 212-бет.

⁵ Ўша асар. 212-бет.

бирга ақл хусусияти ва инсон фаолиятида намоён бўлиш жиҳатларини фалсафий таҳлил этмоқда.

Демак, аллома таълимоти рационалистик деб талқин этиш, унинг ўз фаолиятида ақлнинг ўрнини инкор этадиган мистик илоҳиёт дейиш нотўғридир. Ваҳоланки, XI асрда ақлнинг моҳияти ва хусусияти тўғри-сидаги Ғаззолий ишлаб чиққан концепция ҳозирги замон ғносеологияси ва фан методологиясида ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шу асосга кўра, мутафаккирнинг улкан илмий меросини объектив тадқиқ этиш ва замонавий фал-сафада муҳим аҳамият касб этишни кўрсатиб бериш долзарбдир.

БИЛИШНИНГ БИОЛОГИК ФЕНОМЕНИ

О.Т. Шарипова. – ф.ф.н., доцент БухДУ

З. Нарзиёв – БухДУ катта илмий-ҳодим изланувчиси

Мустақиллик йилларида илм-фан, билиш тараққиёти учун моддий - иқтисодий, ижтимоий – сиёсий, маънавий асослар яратилди. Билиш ривожини ва тафаккур янгилигида маънавий асослар муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирга қадар фалсафий адабиётларда билишга оид мавзуларда кўпинча ҳиссий ва ақлий билиш ҳақида фикр юритиларди. Мустақилликдан кейин билишга оид адабиётларда унинг интуитив жиҳатларига ҳам кенг эътибор қаратилди.¹ Инсоннинг билиш қобилияти, билиш имкониятлари, умуман олганда, чекланмаган. Унинг билиш имкониятлари фанларнинг ва амалиётнинг ривожланиши билан янада ортиб боради. Маълумки, ҳиссий билиш дейилганда, одатда, инсоннинг ҳис қилиши, сезги аъзолари орқали предмет ва ҳодисаларни, уларнинг ташқи томонларини, ташқи белги ва хусусиятларини бевосита билиш тушунилади. Ақлий билиш эса инсоннинг предмет ва ҳодисаларни тафаккур орқали умумлаштириб, мавҳумлаштириб ва конкретлаштириб, уларни фикрда билишидир. Фалсафа фанида билиш масалаларини янада мукамаллаштириш борасида интуиция муаммоларига эътибор кенгроқ қаратилмоқда.

Интуитив билиш, ҳиссий ва мантикий билишлардан фарқ қилиб, у ўз табиатига кўра, бевосита ҳиссий идроксиз ва мантикий муҳокамасиз бирор бир янги тасаввур ёки янги фикрнинг бирданига, қутилмаганда тугилишидир. Интуитив билиш одатда киши бирор нарса ёки ҳодиса ҳақида муайян тасаввурлар ва билимларга эга бўлган, унинг фикри маълум муаммо ёки масалани ечишга йўналтирилган, шу асосда ўз фикрини ривожлантираётган бир пайтда рўй беради. Интуитив билиш ҳам инсон билиш жараёнининг муҳим жиҳатини ташкил қилади ва унинг борлиқни билишида муҳим роль ўйнайди. Фалсафий тафаккур тарихида интуитив билиш ҳақида ҳар хил қарашлар, ҳар хил ёндашишлар, турли-туман таълимотлар мавжуд. Баъзилар уни илоҳийлаштириб, интуитив билиш фақат буюк ва мумтоз кишиларгагина хос, деган фикрни билдирганлар. Ёки интуицияни билишнинг ягона асоси сифатида мутлақлаштирганлар. Бунга "интуитивизм" оқимининг намоёндалари мисол бўла оладилар.

Баъзилар эса интуитив билишни одатда фақат ижодий жараёнга, яъни илмий кашфиётлар, илмий ихтироларга ва бадиий ижод жараёнига хос, деган қарашларни илгари сурганлар. Уларнинг нуқтаи назарича, интуитив билиш – бу ижодий жараёнда фикрнинг ривожланишида эски фикрдан янги фикрга ўтиш, яъни сакрашдан иборатдир. Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг фикрича, интуитив билиш – бу бадиий ижод билан боғлиқ, янги ғоянинг тугилишидир. Ҳақиқатан ҳам, интуитив билиш инсоннинг ижодий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, бунда тадқиқотчи ёки ижодкорнинг бутун фикру-зикри бирон нарса билан қаттиқ банд бўлган пайтда, унинг миясига ҳеч қутилмаганда бирор янги фикр, янги ғоя бирдан, тўсатдан келиб қолиши мумкин. Бир томондан интуицияни инкор этиш мавжуд бўлса, бошқа томондан абсолютлаштириш ҳам мавжуд. Аммо шунга қарамай билиш жараёнида интуиция мавжуд. Бу ҳақда шундай тавсиялар бор.

"Ўз билишимиз ўлкасида яшашни ўрганиб, биз қуйидагиларни амалга оширишимиз мумкин:

- ◆ Ҳар қандай шароитда ижодий янгиликлар қилишга интилиш
- ◆ Тушларимиз бизга берадиган, фақат бизга берадиган интуитив гумонларни тушуниш ва улардан фойдаланиш.
- ◆ Оила аъзолари, дўст – биродарлар, ҳамкасблар, севакли кишилар билан қайғудошлик орқали мунособатларни яхшилаш.
- ◆ Ўзи учун жуда соз машғулот топиш ёки ташкил қилиш, кейин ютуғини мустаҳкамлаш учун энг яхши стратегик ишларни бажариш.

¹ Билиш фалсафаси Тузувчи ва таржимон - Қиём Назаров. "Университет" нашриёти, 2005 й.

МУНДАРИЖА

I БЎЛИМ

МУҲАММАД НАЗАРОВИЧ БОЛТАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР: ФАН ВА ФИДОЙИЛИК

Б.Б.Намозов, Кириш сўзи.....	3
Г.Наврўзова, Х.Рахматова МУҲАММАД НАЗАРОВИЧ БОЛТАЕВ - ИНСОНШУНОС ОЛИМ.....	4
Б. Каримов УСТОЗИМ.....	5
М. Азимов БАҒРИКЕНГ УСТОЗ ҲАҚИДА.....	7
О. Шарипова УСТОЗИМНИ ХОТИРЛАБ.....	8
А.Болтаев ФИКР УММОНИНИНГ ҒАВВОСИ.....	9
Х. Р. Тошов, Сайитова К.М., Чориева Г. Й., Рамазонова Ф.Х. ФАЛСАФА ВА ГЕОГРАФИЯ: ХОТИРА ВА ҚАДРИЯТЛАР.....	10
Ж.Ж Шодиев. М.Н.БОЛТАЕВ – УСТОЗ ФАЙЛАСУФ.....	12
Ш.Б. Муртозаев.ҲИКМАТНИ ТАНИТГАН УСТОЗ.....	13
Ф.Х.Бобожонова Ш. Бобожонов ИЛМГА САДОҚАТЛИ ФИДОЙИ ИНСОН.....	14
Ашуров Ш.Т. ҚАЛБЛАРДА ДОИМ МАНГУ УСТОЗ.....	15

II БЎЛИМ

ФАЛСАФАНИНГ УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ: ОНТОЛОГИЯ, ГНОСЕОЛОГИЯ ВА РИВОЖЛАНИШ ФАЛСАФАСИ

Б.Б. Намозов, Г.А. Тўхтаева ТАСАВВУФДА ИРФОН МАСАЛАСИ.....	16
Н.О. Сафарова ФОРОБИЙ СОФИСТИК МУҲОКАМАЛАР ХУСУСИДА.....	19
А.Азизқулов ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙНИНГ «ФУТУВВАТНОМАИ СУЛТОНИЙ ЁХУД ЖАВОНМАРДЛИК ТАРИҚАТИ» АСАРИДА РАЦИОНАЛЛИК ТАМОИЛИ.....	20
Ф.М.Бафоев СИНЕРГЕТИЧЕСКИЙ ПОДХОД В АНАЛИЗЕ МИРОВЫХ ТРЕНДОВ.....	21
О.Т. Шарипова,Ш.Муртазоев АҚЛ ВА ИНТУИЦИЯ.....	23
Х.М. Тожибоева Н.Сайтиева ФОРОБИЙ ТАЪЛИМОТИДА “АҚЛ АЛ-ФАОЛ” ТУШУНЧАСИ.....	25
Ф.Д. Музаффаров АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙНИНГ АҚЛИЙ ТАФАККУР Тўғрисидаги ҚАРАШЛАРИ.....	26
О.Т. Шарипова. З. Нарзиёв БИЛИШНИНГ БИОЛОГИК ФЕНОМЕНИ.....	28
Ҳ. Б. Ҳайдарова “АВЕСТО”ДА ФАЛСАФИЙ – АҲЛОҚИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	30
Г.С. Султанова. ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИДА КЛАССИК ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	31
И.И.Ибрагимов ИБН СИНО ФАЛСАФАСИДА РАЦИОНАЛИЗМНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.....	32
Б. Қурдошев ТАЪЛИМ - ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ СИФАТИДА.....	34
О. V. Mamatov FALSAFA TARIXIDA VORISLIK TUSHUNCHASINING IFODALANISHI.....	36
Ў.Т.Темиров ЭКЗИСТЕНЦИАЛ БОРЛИҚНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ИЛДИЗЛАРИ.....	38
М.З. Орзиёв, Юнусова Б. Б. АҚШДАГИ ҲИНДУЛАР МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ.....	39
Д.Норова Э.ТЭЙЛОР ЭВОЛЮЦИОНИЗМ НАЗАРИЯСИ АСОСЧИСИ.....	41
М. Р. Шокиров ИЖТИМОЙ СИСТЕМА ҲАҚИДАГИ БИЛИМЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИ... ..	42
Нурмурадова Ш., Бафоев М., Останов Ш.Ш. ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ПРОЦЕСС АДАПТАЦИИ К НОВОЙ КУЛЬТУРНОЙ СРЕДЕ.....	43
Fayzullaev Otabek, Tajiboev Shokhrukh GLOBAL WARMING AS A NEW IMPORTANT PHILOSOPHICAL PROBLEM.....	45

III БЎЛИМ

ФАЛСАФА ТАРИХИ ВА ТАРИХ ФАЛСАФАСИ

Н.Жўраев ИБН ХАЛДУННИНГ ТАРИХ ФАЛСАФАСИ.....	47
Г. Наврўзова, З.Нарзиёв ҲУЖВИРИЙНИ ТАРБИЯЛАГАН ЮРТ.....	49
Ш.А. Ҳайитов ҲАЙДАР ЯҲЁЕВНИНГ “ТИЛСИМ” АСАРИДА ЎЗБЕК МУҲОЖИРЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ВА БАДИИЙ ТАЛҚИНИ.....	51
Д.Адилова “АВЕСТО”ДАГИ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ҒОЯЛАР ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	55
Э.Х.Зоиров МАҲДУМИ АЪЗАМНИНГ “РИСОЛАИ ЧАҲОР КАЛИМА” АСАРИДАГИ ХОЖАИ ЖАҲОН ҒОЯЛАРИНИНГ ИНЪИКОСИ.....	56
М. Q. Oripova F. O'. Ravshanov FALSAFA TARIXI VA TARIX FALSAFASI.....	57
О.А.Клишев, В.Д.Сайфуллаев О.А.СУХАРЕВА – ВУХОРО ТАРИХИ ТАДҚИҚОТЧИСИ.....	58
С.Қ.Қаҳҳоров, Ф.Д.Музаффаров ҒАЗЗОЛИЙ ВА ИБН РУШД.....	60
Н.К. Асланова МИР САИД ШАРИФ ДЖУРДЖАНИ О ЛОГИКЕ КАК СПОСОБЕ ПРАВИЛЬНОГО МЫШЛЕНИЯ.....	61
Х.Тожибоева, Г.Жумаева АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ.....	62
К.С.Назратова BOBUR MIRZONING FARZANDLARI TARBIYASIDAGI MAHORATI.....	65
Х.Тожибоева, О.Алимов АБУ НАСР ФОРОБИЙ БУЮК ЖАМИЯТШУНОС ОЛИМ.....	66
Г.Казимова ФИЛОСОФИЯ ИСТОРИИ В XX ВЕКЕ.....	68